



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

27 май 1971 йил пайшанба,

№ 119 (14.989).

Баҳоси 2 тийин.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING XIV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Чехословакия Коммунистик партияси XIV съездининг делегатларини, Чехословакия Социалистик Республикасининг барча коммунистлари ва меҳнаткашларини қизғин табриқлайди. Сизларнинг съезд ишида катта муваффақиятлар қозонишингизни чин кўнглимиздан тилаймиз ва съезднинг қарорлари партия ва мамлакатдаги аҳволни янада мустаҳкамлашга, ишчилар синфини, деҳқонларни, халқ зиёлиларини Чехословакия Коммунистик партияси теварагига янада кўпроқ жипслаштиришга ёрдам беради, деб ишонганлигимизни изҳор қиламиз.

Биз сизларнинг дўстларингиз ва иттифоқчиларингизмиз. Биз шу билан фахрланамизки, социалистик Чехословакия ЧКП раҳбарлигида замонавий экономика, илгор фан ва маданиятга эга бўлиб, жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатларнинг бирига айланди. Сизнинг партиянгиз социалистик муносабатларни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқларидан тўла фойдаланиш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш учун мустаҳкам негиз вужудга келтирмоқда.

Марксиз-ленинчилар Чехословакия коммунистларининг сабот-матонати ва мардлигини қадрлайдилар. Чехословакия коммунистлари кейинги йиллардаги оғир синовларга шараф билан бардош бердилар, империалистик реакция қўллаб-қувватлаган ўнг ва антисоциалистик кучларни тор-мор қилдилар, партия сафарларининг бирлигини мустаҳкамладилар, Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлик ролини тикладилар. Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари партия сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари тамомил қонуний бир ҳолат.

ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ

Ўртоқ Г. ГУСАК доклади

(Боши иккинчи бўли).

Биз империалистик дунё билан бўлган чегарада яшаб туришимиз ва иллий ҳамда давлат мустақиллиги ва социалистик тузумни ҳимоя қилишга иттифоқчиларимиз билан бирга тайёр бўлиб туришимиз лозимлигини бир дақиқа бўлса ҳам унуттишга ҳаққимиз йўқ, деди сўнгра Г. Гусак, биз Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар билан биргаликда куч ва гайрат сарфлаб, Совет Иттифоқи билан бўлган бузилмас дўстликка маҳкам таяниб туриб, бу вазифани бажармоқдамиз.

Сўнгра Г. Гусак касба соҳаларининг, социалистик ёшлар союзининг ва бу союз пионерлар ташкилотининг роли катта эканлигини айтиб ўтди. Нотиқ қардош мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган чехословакия-совет дўстлиги иттифоқининг ишига юксак баҳо берди.

Докладчи партиянинг омма орасида олиб бораётган мафкуралар ва сиёсий-тарбиявий ишлари катта аҳамиятга эга эканлигини ўқитди. Г. Гусак партиянинг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли муваффақиятли социалистик ривожланишнинг мутлоқ зарур шарт эканлигига муфассал тўхталиб ўтди. Партиянинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализм принциплари асосланган мустақам сиёсий, ташкилий ва тарбиявий ишлари партия кучининг манбаи ва барча ютуқларининг гаровидир, деди докладчи.

Оппортунизм ва ревизионизмнинг барча кўринишларига қарши олиб бораётган принципий сиёсий ва тарбиявий кураш партиянинг бирлиги учун олиб бораётган курашнинг таркибий қисми бўлиб турибди ва бундан буюн ҳам шундай бўлиб қолади.

Чехословакия Коммунистик партиясининг ривожланишидаги ўтган беш йил ичида дўст берган мурасиб ва оқсоқлар, деб давом қилди. Г. Гусак, партиянинг халқаро фаолияти ва Чехословакия Социалистик Республикасининг т

Борис ГУСЕВ.

САМАРҚАНД ДОНШМАНДИ

4.

У жим бўлиб қолди. Бу сукутда қандайдир яширин бир маъно бор эди.

— Шундай эмасми, ахир? — деб сўради мен.

— У хил жиммайиб турди:

— Мен раҳбарлик ишида бўлганман.

— Ха, мастер бўлганингизни айтган эдингиз.

— Йўқ, мен корхона директори ҳам бўлганман.

— Ие, шундайми...

Аваллига суҳбат қовушмади. Лекин ўзбекларда меҳмон—отангдан азиз деган мақол бор. Мен меҳмон бўлиб борганимни назарда тутдим, ҳар қалай Гисов аста-секин гапга кириб, ўз ҳаётидаги қизиқ бир воқеани сўзлаб берди. Газетхона кулайроқ бўлсин учун, бу воқеани мен ўз тилимдан ҳикоя қилмоқчиман.

Бу гап қингизинда, иккинчи ой мўқоқда, 1971 йилининг бошларида юз берган эди. Жамол Гисов Самарқанд шаҳар партия комитетига таъин этиб, беш—ўн оғиз давома сўзлардан сўнг, шундай дейишди:

— Уртоқ Гисов, биз сизни Самарқанд мебель фабрикаси директори лавозимига таъин этмоқчимиз. У ерда жуда кўп ишлар ўла-жўлда бўлиб ётибди, принципиал охшарга муҳтожмиз.

Гисов ҳам қанча қатъият, қобилиятли бўлишига қарамай, тўртинчи айтганда бу таъиндан у анчагина ҳайратга тушди. Ишнинг директориликка кўтаришса-я! Орадаги бир қанча пиллаволар — ҳеч бошлиғи, ишлаб чиқариш бошлиғи, бош инженер лавозимларини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри директориликка-я! Йўқ, бу но-тўғри. Ҳазил қилишадиган бўлса керак.

Ҳеч қандай ҳазили йўқ, — деди ҳамсуҳбатим анча вақт ўйлаб тургандан сўнг. — Биз сизга жиддий гап қилмоқчимиз. Тўғри, олдинга қ